

# Тинчлигимиз посбонлари, байрамингиз муборақ!

Учқудуқ туман ҳоқими С.Хамроевнинг туман ички ишлар  
органлари ходимларига йўллаган табриги



← Давоми. Боши 1-бетда.

## Азиз дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича бугунги кунга келиб 90 дан зиёд норматив-ҳуқуқий, 200 га яқин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаси, тезкор-хизмат фаолияти ва ходимлар олдида қўйилган талаблар мутлақо янгича тус олиб, аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиш таъминланди.

Хусусан, қуйи тизимда туман (шаҳар) ички ишлар бўлиmlарининг шахсий таркиб сони оширилди, олисда жойлашган аҳоли пунктларида қўшимча ички ишлар органлари бўлинмалари, таянч пунктлари ташкил этилди.

Ислохотлар натижасида, бевосита маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга таъсир кўрсата оладиган ички ишлар органлари тизими шаклланди. Ходимларнинг шахсий жавобгарлиги оширилди. Шу билан бир қаторда ходимларга қулай иш шароитлари яратилди, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, туман ИИБ ХПБ ИИО ТП профилактика инспекторларининг ҳар бирига узоқ муддатли кредит асосида "Матиз" автомашиналари берилди. Хизмат ҳудудларидаги кўп қаватли уйлардан квартиралар ажратилди. Овулларда эса ҳар томонлама қулай, 2 сотихли замонавий лойиҳалар асосида хизмат уйлари қурилиб, фойдаланишга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида тумани-миздаги мавжуд 13 та маҳалла фуқаролар йиғинлари учун бир на-

фардан, жами 13 нафар профилактика (катта) инспекторлари лавозимлари жорий қилинди.

Ҳозирда ҳар бир маҳаллада бир нафардан профилактика инспекторлари маҳалла раисларининг ҳуқуқбузарликлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида иш олиб бормоқда.

Бунинг натижасида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик янада кучайтирилди.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2020 йилга нисбатан 2021 йилда жиноятларнинг бир қатор турлари камайди.

Шунингдек, тумандаги мавжуд 13 та маҳалладан 5 тасида яъни Мингбулоқ, Боздун, Кокаяз, Кокпатас овул фуқаролар йиғини ҳамда Айтим маҳалласида шу кунга қадар бирорта ҳам жиноят содир этилмаслигига эришилди.

Бу каби ижобий натижаларни қўлга киритишда ҳудудларда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари Жамшид Ризакулов, Шоҳруҳ Файзуллаев, Бобур Ибрагимов, Аслиддин Ахмедов ва Бекзод Каромидиновларнинг хизматлари бекиёс.

Мухтасар қилиб айтганда, Ички ишлар органлари жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашадиган ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширадиган халқчил органга айланиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор тизимнинг барча ходимлари, фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини ушбу қутлуғ байрам ва Республикамиз Ички ишлар органлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман!

Ички ишлар идоралари ходимларига эл-юрт тинчлиги, осоишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни бажаришда, бу шарафли касбни адо этишда куч-қувват, мустаҳкам соғлиқ тилайман!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## Аҳолини рўйхатга олишда шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби

Маълумки, рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари ўтказилади ва рўйхатга олишнинг бошланиши аниқ пайти 2023 йил 1 ноябрь соат 00.00 дақиқа этиб белгиланган. Рўйхатга олишни ўтказиш муддати – 25 кун.

Респондентларнинг шахсга доир маълумотларини йиғишда рўйхатга олиш санасидан кейин содир бўлган демографик ҳолатлар ҳисобга олинмайди. 2023 йил 1 ноябрдан кейин туғилган болалар учун рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатлари тўлдирилмайди, лекин ушбу санадан кейин вафот этган шахслар учун тўлдирилади. Бунда вафот этган шахс тўғрисидаги маълумотлар унинг вояга етган, муомала лаёқатига эга оила аъзолари ёки маҳалла идорасидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

респондентлар яшайдиган (вақтинча бўлиб турган) турар ва нотурар жойларга, биноларга ташриф буюрган ҳолда уйма-уй юриб, сўров ўтказиш орқали амалга оширилади. Рўйхатга олиш варағи шакллари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентларнинг сўзлари асосида тўлдирилади;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш даврида яшаш (турган) жойида ҳозир бўлмаган ёки вояга етмаган шахслар (респондентлар) тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар мазкур уй ҳўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маъ-



лумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади;

яшаб турган хонадонда (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаган респондентлар учун рўйхатга олиш сўровномаларини тўлдириш маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ажратилган бино ёки хоналарда жойлашган стационар участкаларда амалга оширилади;

респондент рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда рўйхатга олиш варағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади;

гапириши ва эшитишида нуқсон бўлган фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини йиғиш тегишли ҳудуд бўйича ногиронлик жамиятларининг ходимлари ёки ушбу шахслар билан муомала қилиш имконияти мавжуд бўлган шахслар кўмагида амалга оширилади;

шахсга доир маълумотларни йиғиш ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади.

Туман статистика бўлими



Суратда: Тадбирдан лавҳа.

## ЎЗБЕК ТИЛИМ – ШОНУ ШАРАФИМ!

**Дарҳақиқат, тил - миллатнинг кўзгуси, унинг ҳақиқий сарчашмасидир. Тил бор экан миллат барҳаёт.**

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 32 йил тўлиши ва мазкур сана жорий йилда иккинчи марта "Ўзбек тили байрами" сифатида нишонланиши муносабати билан бутун туманимизда бўлгани каби Шимолий кон бошқармаси 3-сонли Гидрометаллургия заводида ҳам маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Маданий тадбирларнинг якуний қисми "Тилим - шону шарафим!"

мавзусида ўтказилиб, унда завод ишчи-ҳодимлари фаол иштирок этди.

Айниқса, Худойберди Мавлонов, Сардорбек Халимов сингари ёшлар Мир Алишер Навоий ғазал ва рубойларидан ифодали ёд айтиб, йиғилганларнинг олқиш ва эътирофига сазовор бўлди.

Шунингдек, тадбирда "Учқудуқ" маданият уйи бадиий жамоалари томонидан куйланган куй-қўшиқлар даврага кўтаринкилик улашди.

Дилрабо Абдуллаева,  
3-сонли Гидрометаллургия заводи  
маънавий-маърифий ишлар  
бўйича нозир.